



Course: CORPORATE GOVERNANCE

Lecture 4. Corporate governance bodies

Lecturer: Xusainov Shavkat

Фан: КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ

4 - мавзу. Акциядорлик жамиятларида бошқарув органлари

Маърузачи: Хусаинов Шавкат

1. Акциядорлик жамиятлари ташкилий тузилмаси ва бошқарув органлари таркиби
2. Акциядорлар умумий йиғилиши ва унинг ваколатлари
3. Кузатув кенгаши ва унинг корпоратив бошқарувдаги роли
4. Ижроия органи ташкилий тузилиши ва фаолият механизми

- Акциядорлик жамиятларининг ташкилий тузилмаси ва бошқарув органлари, уларнинг таркиби ва вазифалари мазкур жамиятларнинг фаолияти ва ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга.
- Ўзбекистондаги акциядорлик жамиятларининг ташкилий тузилмаси, бошқарув органлари ва уларнинг фаолияти, асосан, амалдаги қонунчилик нормаларига таянган ҳолда ташкил этилади.

Ташкилий тузилманинг умумий хусусиятлари

Акциядорлик жамиятининг ташкилий тузилмаси тармоқнинг ўзига хос хусусиятлари ва компаниянинг фаолият йўналишларидан келиб чиққан ҳолда фарқланиши мумкин.

- Ўзбекистонда тўлиқ чет эл капиталига эга ва хорижий корпоратив бошқарув усуллари жорий этган корхоналар самарали фаолият юритмоқда.
- Бундай компаниялар тажрибасини чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали маҳаллий корхоналар учун корпоратив бошқарувнинг намунавий тузилмаларини ишлаб чиқиш ва мамлакатнинг иқтисодиёт соҳаларидаги акциядорлик жамиятлари бошқарув тизимини такомиллаштириш имкони пайдо бўлади.

Бошқарув органларининг асосий
таркиби

Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ, акциядорлик жамиятларининг ташкилий тузилмаси қуйидаги органлардан иборат:

Акциядорлар умумий йиғилиши - Жамиятнинг олий органи ҳисобланиб, жамият уставида белгиланган тартибда қарорлар қабул қилади ва бошқарувни амалга оширади. Унда жамиятнинг асосий масалалари, шу жумладан, фойдани тақсимлаш, йирик битимларни тасдиқлаш ва бошқарув органларини сайлаш каби масалалар кўриб чиқилади.

Кузатув кенгаши - Жамиятнинг ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқади ва унинг ижросини назорат қилади. Кузатув кенгаши аъзолари жамият акциядорлари томонидан сайланади ва улар ижро органлари фаолияти устидан назорат ўрнатади.


Ижроия органи - Жамиятнинг кундалик фаолиятини амалга оширади ва унинг самарали ишлашини таъминлайди. Ижроия органи таркибига директор, молия директори ва ривожлантириш бўйича директорлар кириши мумкин.

Тафтиш комиссияси ва Ички аудит хизмати - Жамиятнинг молиявий ва хўжалик фаолиятини текшириб, унинг қонунийлиги ва молиявий ҳолатини назорат қилади.



Бошқарув органларининг асосий
таркиби

Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ, акциядорлик жамиятларининг
ташкилий тузилмаси қуйидаги органлардан иборат:



Миноритар акциядорлар ҳуқуқларини
ҳимоя қилиш

Миноритар акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида жамият ташкилий тузилмасига тўғридан-тўғри акциядорлар умумий йиғилишига бўйсунувчи **Миноритар акциядорлар қўмитасини** киритиш мумкин.

Бу қўмита акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг манфаатларини таъминлаш ва кузатув кенгаши ёки ижро органи қарорларига таъсир ўтказиш мақсадида ташкил этилади.

Корпоратив бошқарув моделлари

Ривожланган мамлакатларда акциядорлик жамиятларининг ташкилий тузилмаси корпоратив бошқарув моделлари асосида шакллантирилади. Бундай моделлар тармоқ ва соҳаларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

Масалан,

Ғарб давлатларида икки даражали бошқарув тизими кенг тарқалган бўлиб, унда кузатув кенгаши ва ижро органлари алоҳида фаолият юритади. Японияда эса корпоратив бошқарувда кенг кўламли маслаҳат кенгашлари муҳим ўрин тутди.


Корпоратив бошқарув моделлари

Ўзбекистондаги акциядорлик жамиятларининг ташкилий тузилмаси ва бошқарув органлари халқаро тажрибаларни инобатга олган ҳолда такомиллаштириб борилади.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, уларнинг таркиби ва вазифалари аниқ белгилаб қўйилган бўлиб, ривожланган мамлакатлардаги корпоратив бошқарув моделларидан олинган сабоқлар асосида ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Акциядорлик жамиятларида бошқарув органлари

Акциядорлик жамиятлари ташкилий тузилмаси ва бошқарув органлари таркиби



Акциядорлик жамиятининг намунавий ташкилий тузилмаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720-сон фармони

Акциядорлар умумий
йиғилиши:

Акциядорлар умумий йиғилиши:

- **А**кциядорлик жамиятининг энг юқори бошқарув органи ҳисобланади.
- **У**мумий йиғилишда акциядорлар жамиятнинг асосий йўналишларини белгилайди ва стратегик қарорлар қабул қилади.
- **Й**иғилишни ўтказиш тартиби ва қабул қилинадиган қарорлар тўғрисида қонун ҳужжатларига мувофиқ иш тутилиши шарт.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш
тўғрисида»ги қонун

7-боб. Жамиятнинг бошқарув органлари. Миноритар акциядорлар қўмитаси

57-модда. Жамиятни бошқариш

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органи жамиятнинг бошқарув органларидир.

58-модда. Акциядорларнинг умумий йиғилиши

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.
- Акциядорларнинг умумий йиғилишини жамият кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.
- Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш
тўғрисида»ги қонун

**27-модда. Оддий акцияларнинг эгалари бўлган
акциядорларнинг ҳуқуқлари**

- Оддий акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар ушбу Қонунга ва жамият уставига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендлар олиш, жамият тугатилган тақдирда эса, ўзларига тегишли улушга мувофиқ жамият мол-мулкининг бир қисмини олиш ҳуқуқига эга.

**28-модда. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган
акциядорларнинг ҳуқуқлари**

- Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар, агар ушбу Қонунда ва жамият уставида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.
- Жамиятнинг имтиёзли акциялари уларнинг эгалари бўлган акциядорларга бир хил ҳажмда ҳуқуқлар беради ва оддий акциялар билан бир хил номинал қийматга эга бўлади.
- Жамият тугатилаётганда имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивиденднинг миқдори ва (ёки) қиймат (тугатилиш қиймати) жамият уставида белгилаб қўйилиши лозим.

Умумий йиғилишнинг
ўтказилиши

Умумий йиғилишнинг ўтказилиши:

- Акциядорлар умумий йиғилиши ҳар йили ўтказилиши мажбурий бўлиб, йиллик умумий йиғилиш жамият уставига белгиланган муддатларда, лекин молия йили якунланганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилиши лозим.
- Зарурат туғилганда, навбатдан ташқари умумий йиғилишлар ҳам чақирилиши мумкин. Барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлган акциядорлик жамиятларида эса умумий йиғилишни ўтказиш талаб қилинмайди.

Умумий йиғилишнинг
ўтказилиши

Йиғилишни ўтказиш тартиби:

- Йиғилишни ўтказиш санаси ва тартиби, акциядорларга хабар бериш усули ҳамда йиғилишга тайёргарлик жараёнида тақдим этиладиган ахборот ва ҳужжатлар рўйхати кузатув кенгаши томонидан белгиланади.
- Йиғилишни кузатув кенгаши раиси ёки у қатнашмаган тақдирда кузатув кенгашининг бошқа аъзоси олиб боради.

Умумий йиғилишнинг
ўтказилиши

АУЙга тайёргарлик бўйича Кузатув кенгаши
қўйидагиларни белгилайди:



Умумий йиғилишнинг
ўтказилиши

Барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли
АЖларда АУЙни ташкил этиш:

- Барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлган жамиятда АУЙ ўтказилмайди.
- АЖ устави билан АУЙ ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар яқка тартибда қабул қилинади.
- Қабул қилинган қарорлар ёзма шаклда расмийлаштирилиши керак.
- АУЙга тайёргарлик кўриш, уни чақириш ва ўтказиш тартибини ҳамда муддатларини белгиловчи қоидалари қўлланилмайди.
- Йиллик АУЙни ўтказиш муддати бўйича талаб асосида баённома расмийлаштирилиши шарт.

Умумий йиғилишнинг
ваколатлари

Акциядорлар умумий йиғилиши қуйидаги масалалар бўйича
қарорлар қабул қилади:

1. **Жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш** ёки уни янги таҳрирда тасдиқлаш;
2. **Жамиятни қайта ташкил этиш** ёки уни тугатиш, тугатувчи комиссия тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
3. **Жамият кузатув кенгаши ва миноритар акциядорлар қўмитасининг аъзоларини сайлаш** ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
4. **Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш ёки камайтириш;**
5. **Акцияларни сотиб олиш ёки қайта сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;**

Умумий йиғилишнинг
ваколатлари

Акциядорлар умумий йиғилиши қуйидаги масалалар бўйича
қарорлар қабул қилади:

6. **Ижроия органини сайлаш ёки тайинлаш**, унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш ва жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;
7. **Тафтиш комиссияси (тафтишчи) аъзоларини сайлаш**, уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш ва тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;
8. **Жамият фойдаси ва зарарларини тақсимлаш**, йиллик ҳисоботни ва ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш;
9. **Жамият томонидан корпоратив облигациялар** ва бошқа қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
10. **Акцияларни майдалаш** ёки йириклаштириш;
11. **Шўъба ва тобе хўжалик жамиятлари** билан боғлиқ битимларни тасдиқлаш.

Умумий йиғилишнинг
ваколатлари

Акциядорлар умумий йиғилиши қуйидаги масалалар бўйича
қарорлар қабул қилади:

Умумий йиғилишнинг ваколатлари:

- **Йиллик умумий йиғилишда** кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси (тафтишчи) аъзоларини сайлаш, ижроия органи ёки ишончли бошқарувчи билан тузилган шартномани қайта кўриб чиқиш, жамиятнинг йиллик ҳисоботини ва бошқарув органларининг жамиятни ривожлантириш стратегияси юзасидан **ҳисоботларини муҳокама қилиш** каби масалалар кўриб чиқилади.

Умумий йиғилиш
ваколатларининг чекланганлиги

Акциядорлар умумий йиғилиши ваколат доирасига кирувчи масалалар ижроия органига топширилиши мумкин эмас. Аммо, қонунчиликка кўра, жамият устави ёки умумий йиғилиш қарори билан қуйидаги масалалар **К**узатув кенгаши ихтиёрига топширилиши мумкин:

- **Жамият уставига жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш** ва эълон қилинган акциялар сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартишлар киритиш;
- **Акцияларни жойлаштириш** нархини белгилаш;
- **Корпоратив облигациялар** ва қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- **Корпоратив облигацияларни қайта сотиб олиш** тўғрисида қарор қабул қилиш;
- **Ижроия органини ташкил қилиш**, унинг раҳбарини тайинлаш ёки ваколатларини муддатидан олдин тугатиш;
- **Ижроия органига ҳақ тўлаш** ва компенсациялар миқдорларини белгилаш.

Кузатув кенгаши

- Кузатув кенгаши акциядорлик жамиятининг умумий бошқарувини амалга оширувчи орган бўлиб, у ўз фаолиятини жамият устави ва қонунчиликка мувофиқ равишда фақат ўз ваколатлари доирасида олиб боради.
- Акциядорлар умумий йиғилиши ваколатига кирувчи масалаларни кузатув кенгаши ҳал қилишига йўл қўйилмайди.
- Агар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар сони 30 кишидан кам бўлса, кузатув кенгаши вазифалари жамият уставига кўра акциядорлар умумий йиғилиши томонидан бажарилиши мумкин.
- Бу ҳолда уставда акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш масъулияти кимга ёки қайси органга юклатилгани аниқлаштирилган бўлиши керак.



«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш
тўғрисида»ги қонун

■ 12-модда. Таъсис йиғилиши

Таъсис йиғилиши:

жамиятни таъсис этиш тўғрисида қарор қабул
қилади ва унинг уставини тасдиқлайди;

.... ..

жамиятнинг **кузатув кенгашини**, тафтиш
комиссиясини (тафтишчисини) сайлайди;

■ 3-модда. Жамиятнинг устави

Устав жамиятнинг таъсис ҳужжати бўлиб, унда қуйидаги
маълумотлар бўлиши керак:

... ..

жамият бошқарувининг тузилмаси, жамият **кузатув
кенгашининг**, тафтиш комиссиясининг ва ижроия
органининг аъзолари сони, бу органларни
шакллантириш тартиби, уларнинг ваколатлари.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш
тўғрисида»ги қонун

8-модда. Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) кўпайтириш

Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан ёки, агар жамият уставига ёхуд акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ жамиятнинг **кузатув кенгашига** шундай қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи берилган бўлса, жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

34-модда. Акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш нархи

Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархи жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ёки **кузатув кенгаши** томонидан, агар жамият уставига ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига **мувофиқ кузатув кенгашига** бундай ваколат берилган бўлса, қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш
тўғрисида»ги қонун

30-модда. Жамиятнинг корпоратив облигациялари ва бошқа қимматли қоғозлари

- Жамият қонунчиликка ва ўз уставига мувофиқ корпоратив облигацияларни ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли.
- Жамият томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра ёки, агар жамият уставига ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ жамият **кузатув кенгашига** бундай қарор қабул қилиш ҳуқуқи тегишли бўлса, жамият **кузатув кенгашининг** қарорига кўра амалга оширилади.
- Жамият томонидан жамият **кузатув кенгашининг** қарорига кўра акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигациялар чиқарилган тақдирда, мазкур қарор жамият **кузатув кенгашининг** барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши керак.

Кузатув кенгаши аъзолари ўз вазифаларини бажарган давр учун ҳақ олиши ёки вазифа билан боғлиқ харажатлари қопланиши:

- Акциядорлар умумий йиғилиши қарорига мувофиқ, кузатув кенгаши аъзолари ўз вазифаларини бажарган давр учун ҳақ олиши ёки вазифа билан боғлиқ харажатлари қопланиши мумкин.
- Ҳақ ва тўловлар миқдори акциядорлар умумий йиғилиши қарорида белгиланади.
- Давлат ташкилотлари раҳбарлари ёки уларнинг ўринбосарлари бўлган кузатув кенгаши аъзоларига бир чоракда тўланадиган ҳақ меҳнат тўлаш миқдорининг 17,6 бараваридан ошмаслиги керак.

Кузатув кенгаши қуйидаги асосий
вазифаларни бажаради:

- Жамият устувор йўналишларини белгилаш ва ижроия органининг ривожланиш стратегияси бўйича ҳисоботларини мунтазам эшитиш.
- Акциядорлар умумий йиғилишини чақириш, кун тартибини тайёрлаш ва йиғилиш ҳақида акциядорларга хабар бериш.
- Жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш масалаларини кўриб чиқиш.
- Ижроия органи аъзоларини сайлаш (раисдан ташқари) ва уларнинг ваколатларини тугатиш.
- Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш.
- Ички аудит хизматини тайинлаш ва ҳисоботларни ҳар чорақда кўриб чиқиш.
- Аудиторлик ташкилотларини тайинлаш.
- Дивидендлар миқдорини белгилаш ва тўлов тартибини аниқлаш.
- Жамият филиаллари ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил қилиш.
- Йирик битимлар ва аффилиланган шахслар билан битимларни тузиш.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш
тўғрисида»ги қонун

**37-модда. Жойлаштирилган акцияларни жамият
томонидан олиш**

Жамият ўзи жойлаштирган акцияларни
акциядорлар умумий йиғилишининг
жойлаштирилган акцияларнинг бир қисмини олиш
ва ушбу акцияларнинг умумий сонини камайтириш
йўли билан жамият устав фондини (устав
капиталини) камайтириш тўғрисидаги қарорига
кўра, шунингдек уларни кейинчалик белгиланган
тартибда қайта сотиш мақсадида жамият **кузатув
кенгашининг** қарорига кўра олишга ҳақли.

50-модда. Дивидендларни тўлаш тўғрисидаги қарор

Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар
тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва
тартиби тўғрисидаги қарор жамият **кузатув
кенгашининг** тавсияси, молиявий ҳисоботнинг
ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд
бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари
асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши
томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг
миқдори жамият **кузатув кенгаши** томонидан тавсия
этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

**Кузатув кенгаши аъзоларининг сайланиши
ва ваколатлари:**

- Кузатув кенгаши аъзолари акциядорлар умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади ва қайта сайланиш имкониятига эга.
- Бошқарув аъзолари ва жамият директори кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.
- Кузатув кенгаши аъзолари кумулятив овоз бериш орқали сайланади, бу жараёнда ҳар бир акциядор ўз овозларини бир ёки бир неча номзодга тақсимлаш ҳуқуқига эга.

**Кузатув кенгаши мажлисларини ўтказиш
тартиби:**

- Кузатув кенгаши мажлисида кворум ҳозир бўлган аъзоларнинг камида 75% иштирок этган тақдирда ўтказилади.
- Қарорлар кўпчилик овоз билан қабул қилинади, овозлар тенг бўлган ҳолда кузатув кенгаши раиси ҳал қилувчи овозга эга.

Хорижий амалиётда кузатув кенгаши
аъзолари турлари:

- Ижрочи директорлар
- Ноижрочи директорлар
- Мустақил ноижрочи директорлар
- Алоқадор ноижрочи директорлар
- Ташқи директорлар

**Ижроия органи ва унинг фаолият
механизми:**

- Ижроия органи жамиятнинг кундалик фаолиятини бошқариш ваколатига эга ва у жамият уставига мувофиқ равишда амалга оширилади. Шартнома асосида бошқариш мумкин бўлган ҳолатларда кузатув кенгаши шартнома шартларини тасдиқлайди.

**Норматив-ҳуқуқий ўзгаришлар ва
масъулият:**

- Ижроия органи раҳбари ва аъзоларини тайинлаш амалиёти 2019 йилда ўзгариб, уларни танлов асосида тайинлаш тартиби жорий этилди.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш
тўғрисида»ги қонун


59-модда. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат
доираси

жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш,
ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш
(тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини
муддатидан илгари тугатиш;
жамият **тафтиш комиссиясининг** аъзоларини
(тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини
муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш
комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низомни
тасдиқлаш;

59-модда. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доираси
жамиятнинг **ижроия органига** тўланадиган ҳақ ва (ёки)
компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори
миқдорларини белгилаш;
Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига
киритилган масалалар жамиятнинг **ижроия органи** ҳал
қилиши учун берилиши мумкин эмас.
жамиятнинг **ижроия органини** тузиш, унинг раҳбарини
сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан
илгари тугатиш;
жамиятнинг **ижроия органига** тўланадиган ҳақ ва
компенсациялар миқдорларини белгилаш;


**Ижроия органи ташкилий
тузилиши ва фаолият механизми**

Акциядорлик жамиятининг кундалик фаолиятини бошқариш вазифаси жамиятнинг уставида белгиланган ижроия органи — директор ёки бошқарув томонидан амалга оширилади.



Агар жамият бошқаруви томонидан бошқарилса, бошқарув раҳбари (бошқарув раиси) ваколатлари ва мажбуриятлари жамият уставида аниқ белгилаб қўйилиши лозим.

Акциядорлар умумий йиғилиши қарорига кўра, жамиятнинг ижроия органи ваколатлари шартнома асосида бошқа тижорат ташкилоти ёки ишончли бошқарувчига топширилиши мумкин.



Агар жамият уставида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, мазкур шартнома шартлари жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

Норматив-ҳуқуқий ўзгаришлар

2019 йилга қадар хўжалик жамиятларининг кузатув кенгаши ва ижроия органлари аъзоларини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тасдиқлаш ва уларни давлат органлари раҳбарларига тенглаштириш амалиёти амал қилар эди. Ушбу амалиёт 2019 йил 1 апрелдан **бекор қилинди**.

Янги тартибга кўра, хўжалик жамияти ижро органи раҳбари ва унинг ўринбосарлари танлов асосида, юқори малакали мутахассислар орасидан, шу жумладан хорижий мутахассислардан ҳам тайинланиши мумкин бўлди. Улар акциядорлар умумий йиғилиши ёки кузатув кенгаши қарори билан лавозимга тайинланади.

Устав капиталида давлат улуши **50%** ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ижро органи раҳбари ва унинг ўринбосарлари номзодлари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ёки тегишли ўринбосарлар билан келишилади. Бу тартиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 апрелдаги "Давлат активларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида белгиланган.

**Ижроия органи ваколатлари ва
масъулияти:**

- Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тайинланган ижроия органи таркибидаги шахсларнинг ваколатлари муддатидан олдин тугатилган тақдирда, кузатув кенгаши уларнинг вазифаларини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаш ҳуқуқига эга.
- Ижроия органининг асосий вазифаларига жамиятнинг кундалик фаолиятини бошқариш ва ташкил қилиш киради.

**Ижроия органи ваколатлари ва
масъулияти:**

- Ижро органининг таркиби ва ваколатларини муддатидан олдин тугатиш масаласи, агар у кузатув кенгаши ваколат доирасига кирмаса, акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан амалга оширилади.
- Директор ва бошқарув аъзолари ҳуқуқ ва мажбуриятлари амалдаги корпоратив қонунчилик ҳамда жамият уставида кўрсатилган шартлар асосида белгиланади.

**Ижроия органи ваколатлари ва
масъулияти:**

- Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тайинланган ижроия органи таркибидаги шахсларнинг ваколатлари муддатидан олдин тугатилган тақдирда, кузатув кенгаши уларнинг вазифаларини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаш ҳуқуқига эга.
- Ижроия органининг асосий вазифаларига жамиятнинг кундалик фаолиятини бошқариш ва ташкил қилиш киради.

**Жамиятнинг ижроия органи қуйидаги
вазифаларни бажаради:**

- Акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорларини ижро қилади.
- Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, битимлар тузади ва буйруқлар беради.
- Жамият филиаллари ва ваколатхоналари раҳбарларини тайинлайди.
- Штатлар тасдиғини амалга оширади.

**Жамиятнинг ижроия органи қуйидаги
вазифаларни бажаради:**

- Акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорларини ижро қилади.
- Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, битимлар тузади ва буйруқлар беради.
- Жамият филиаллари ва ваколатхоналари раҳбарларини тайинлайди.
- Штатлар тасдиғини амалга оширади.

Мажбуриятлар ва жавобгарлик:

- Жамият ижро органи раҳбари ва бошқарув аъзолари ўз ваколатларини амалга оширишда жамият манфаатларини кўзлаб иш тутишлари ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлишлари лозим.
- Агар бир нечта шахс жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлса, уларнинг жавобгарлиги солидар тарзда амалга оширилади.
- Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари, директори, бошқарув аъзолари ёки ишончли бошқарувчи жамиятга зарар етказиши билан боғлиқ ҳолатларда, жамият уставини қўпол равишда бузган тақдирда, кузатув кенгаши ёки акциядорлар умумий йиғилиши томонидан улар билан тузилган шартномалар муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш
тўғрисида»ги қонун

75-модда. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доираси

- жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;

79-модда. Жамиятнинг ижроия органи

- Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият ижроия органининг ваколатлари шартнома бўйича тижорат ташкилотига (ишончли бошқарувчига) берилиши мумкин. Тузиладиган шартноманинг шартлари, агар жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.
- Жамиятнинг ижроия органи акциядорлар умумий йиғилишининг ва жамият кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

Мурожаат қилиш ҳуқуқи:

- Акциядорлар умумий йиғилиши ёки жамият кузатув кенгаши жамият раҳбарияти, бошқарув аъзолари ёки ишончли бошқарувчининг ҳаракатларидан норози бўлган тақдирда, жамиятга етказилган зарарни қоплаш учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.
- Бу қоидалар жамият бошқарувининг самарадорлигини ошириш ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилгандир.

1. Corporate governance: principles, policies and practices, Tricker B. / Oxford, 2015
2. Zamonaviy korporativ boshqaruv: Darslik, Elmirzayev S./T.: "Iqtisod-moliya". 2019
3. Korporativ boshqaruv: Darslik, Elmirzayev S./ T.: "Zebo Print", 2021
4. Korporativ boshqaruv: muammolar va zamonviy yechimlar. Suyunov D.X., Xoshimov E.A., Xusainov Sh.A. / Toshkent: Biznes va tadbirkorlik oliy maktabi, 2021



Раҳмат!